

И. А. Каримов:

ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Узоқ йиллардан буён жумҳуриятимизда болаларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиладиган, уларнинг соғлиги, ҳаётларини ҳимоя қиладиган алоҳида бир қонун йўқ эди. Кун кеча ўз ишини яқунлаган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси эса ана шундай олашумул аҳамиятга эга бўлган қонун — бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилганлиги билан тарихда қолади. Сессия қатнашчиларига тақдим этилган бу конвенция узоқ муддат давомида болалар ҳаёти, соғлиги, ўқиши, яшаши билан шуғулланадиган олимлар, зиёлилар томонидан ишлаб чиқилган эди. Шу сабаб ҳам у ноиблик

томонидан бир овозда қабул қилинди. Эндиликда сиз азиз болажонларнинг барча ҳақ-хуқуқларингизни ҳимоя қиладиган ҳужжат ҳар бир ўқитувчи, ота-онанинг қўлидадир.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг ушбу сессияси яна бир муҳим воқеа билан — Ўзбекистон Конституциясини қабул қилганлиги билан ҳамманинг ёдида қолажак. Мустақил республикамизнинг янада равнақ топиши учун хизмат қиладиган Конституция ноиблик томонидан моддама-модда муҳокама қилиниб, гулдурас қарсақлар билан қабул қилинди. Бу кун — 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун, деб эълон қилинди.



«Ланка» ўйнашнинг завқи бошқа...

Р. АЛБЕКОВ туширган сурат-лавҳа.

ТАШВИШЛИ МАКТУБЛАР

Давримиз ўқимишли, ишбилармон, тадбиркор кишиларга муҳтож. Асли ана шундай ёшлар жумҳуриятимиз келажагини белгилайди. Шундай экан, уларни етук қилиб тарбиялаш зарурдир. Бу ишда ўрта мактабларнинг роли катта. Аммо бугунга қадар ўрта таълим соҳасида жуда кўп, янги ва фойдали ишлар амалга оширилгани билан вилоятлардаги мактаб шароитлари, ўқитиш ишларидан норози бўлиб ёзилган мактублар муҳарририятимизга келиб турибди. Биз уларни бугун эълон қилар эканмиз, халқ таълими раҳбарлари болаларнинг дардига қулоқ солишади, деган умиддамиз.

ЎША-ЎША ҚИШЛОҚ МАКТАБИ

Ҳозир ҳамма жойда Бизнинг мактаб ҳам иқтидорлилар синфи, лицей, лицей синф, ихтисослашган синфларни ташкил этиш замонавий бўлиб қолди. Уларда ўқувчилар орасидан саралаб олинганлар ўқишади. Аммо қишлоқларда бундай синфлар ташкил қилинмаяпти. Худди шу қишлоқларда эса иқтидорли, истеъдодли ўқувчилар жуда кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам, мисол учун, Тошкентдаги нафис санъат мактабига бориб ўқий олишмайди-ку? Бундай мактаб ҳамма жойда ташкил қилиниши учун етарли шарт-шароит бўлмагани ҳам ачинарли.

Давр ўзгараёпти. Ҳамма жойда ўзгаришлар... Аммо фақат қишлоқ мактаблари ҳали ҳам ўша...

Қ. ЖАЛОЛОВ,
Навий вилояти,
Қизилтепа тумани,
19-мактабнинг
битирувчиси.

ДАРСЛИКЛАР ЎУҚ

Мактабимизда, кейинчалик қийналиб менимча фақат бизни қолтиришмиз аниқ киди эмас, ҳамма Олийгоҳларда эса тест мактабларда энг катта системаси жорий қилиниб, муаммо — дарсликлар ҳамма ўз билимига яраша тақчиллигидир. Ҳар йили ў у, ё бу фандан китоблар ўқишга қираяпти. Биз эса дарсликларсиз таълим етишмайди. Аммо олаяпти. Қачондир бу ўқитувчилар бу билан муаммо ҳам ҳал ҳисоблашмайди. Улар этилармикан?

А. ҚАРШНЕВ,
Самарқанд вилояти, Челақ туманидаги 8-мактаб ўқувчиси.

“Мени сизларга хат езишга ундаган нарса ЖУДОЛИК бўлди. Шу йилнинг 6 октябрь кунини дугонам Моҳигул ўзига-ўзи ўт қўйиб юборди”.

“Жудолик” мақоласидан

2-БЕТ

“...Қора курсида ўз тақдирининг қандай ҳал бўлишини кутиб, кўзлари мўлтиллаб бир ўспирин ўтирибди. Бу ўша — ўз онасидан безиб, уйдан кетиб қолган Абдор”.

“Онасидан безган бола” мақоласидан

3-БЕТ

“...Бунинг сабаби шонр шеърларида сўзларнинг ўта ўйноқлиги ва фусункорлигида. Чунки, шеър ўқиганида сўзларнинг майин тебранишини сезмасанг — бу шеърятдан узоқ нарса”.

“Асал амаки” — 70 ёшда”.

4-БЕТ

Бу дунёда нима оғир, нима оғир,
Ўртанмасин куйган бағир, куйган бағир.
Жудаликнинг кўзлардаги тўлиб турган
Киприкдаги ёши оғир, ёши оғир.

Аввалбек ҚАРШИЕВ



Мактуб: "Ассалому алайкум ҳурматли
"Тонг юлдузи" газетаси ходимлари!


Мени сизларга хат ёзишга ундаган
нарса ЖУДОЛИК бўлди. Шу йилнинг 6
октябрь куни дугонам Моҳигул ўзига-
ўзи ўт куйиб юборди.

Сўнг рисоладагидек уч кунлик аза ва
кадимий қабристон... Бу фожиа хусусида
қишлоқ аҳли, тегишли ташкилотлар роса
мулоҳазалашинди, кимдир айбдор бўлди,
кимдир... айбсиз. Энг қизиги ҳеч ким
жавобгарликка тортилмади. Шуниси
аламли. Мен эса айбдор кимлигини
билман: унинг ўғай онаси Зухра (она
дейишга тилим бормайди). Чунки
Моҳигул ўзига нисбатан бўлган
хўрликка бардош беролмай шу йўлни —
ўлимни танлади. "У бошқа йўлни танласа
бўлмасмиди?" савол берамиз ўзимизга.
Йўқ, бўлмасди, чунки уни ўраб турган
муҳитда мудроклик ҳукм суради ва у
буни ҳеч қачон тушуниб етмаганди...

Биз Моҳигул билан 8-синфда
ўқирдик, боз устига партадош ҳам эдик.
Лекин ҳеч қачон сирдош, дарддош
бўлмаганмиз, чунки у табиатан камгап,
хаёлчан эди. У ҳамиша бир нарсадан
қаттиқ кўрққандек мунгайиб турар ва шу
кўрқув йил узоғи уни таъқиб қиларди,
танаффусда ҳам худди одамовидай бир
жойда ҳеч кимга қўшилмай партада
ўтираверарди. Уни ўша вақтларда нима
вахимага соларди — билмасдим, аммо
унга уйда тинчлик йўқлигини сезардим.

Бир куни у бизникига бориб қолганда
баданини кўрсатган эди. О, пичоқ билан
тилингандек... тилим бормайди. Кейин
билсам, ўғай онаси унга кун бермас
экан. Бундан етти йил олдин унинг —
Моҳигулнинг туққан онаси қайтиш
қилган, икки йил ўтиб эса отаси —
Қурбон ака Зухра опага уйланган эди.
Хуллас, мана беш йилдирки, улар бирга
яшашади, беш йилдирки, Моҳигулнинг
бошида калтак синади.

Биринчи чоракнинг бошлари эди,
адабиёт дарсида ўқитувчимиз эркин
мавзуда иншо ёздирди. Ҳамма ёзишга
киришди. Ўшанда унинг дафтарига
кўзим тушиб қолганди. Аммо уни ўқиш
насиб етмаганди, чунки у дафтарини ҳеч
вақт бировга ўқиш учун бермаган.
Яқинда — фожиадан сўнг — уларнинг
уйдан ўша дафтарни ўгринча олиб
чиқдим. Энди билсам, бу дафтар унинг
кечмишлари жамланган кундалиги экан.
Ушбу кундаликни сизларга юбораяпман,
уни газета саҳифаларида эълон
қилсангиз, деб Гуллола.



Синглим Гуллола, биз сенинг
ғамнок мактуб ва дугонанг
Моҳигулнинг дардкаш
кундалигини олдик. Бироқ
хатингда аниқ исм шарифлар,
манзилгоҳлар ўчирилганлиги биз-
ни анча ўйлантириб, баъзи бир
мулоҳазаларга сабаб бўлди.
Фақат конвертдаги муҳрдан
Сурхондарё вилоятининг
аниқлаб олдик, холос. Майли, ҳар
неки бўлса-да, ушбу кундаликни
газета саҳифасида чоп этишни
лозим топдик.

Ёнган киз кундаликларидан

КУНДАЛИКЛАРДАН

"БИРДАН зулмат қўйнидан
аждарнинг тили янглиғ аланга
кўтарилди, атрофни чароғон қилиб
юборди. Томошагоҳ (клуб) ёнарди.
Бунга ҳамвақт чақалоқ йиғиси
эшитилди. Худди шу тун сен
туғилгансан..."

Бунц менга отам айтганди, шу-
шу мен оловга ўчман, олов
тўғрисида ўйласам, ақлим шошади.
Бу айниқса, кўп вақт эзилган
онларимга тўғри келади. (Буни
эслаб қолинг — Ш. С.)

*

ХАЙҲОТДАЙ ҳовлида дадам ик-
кимиз яшаймиз. Қийинчилик йўқ,
лекин... яна кимдир камдай... Бир
кун дадамга: "Сиз менга ойи олиб
келинг", дедим. Дадам кулиб: "Хўп,
албатта олиб келаман", дедилар.
Эртасига бўйи мендан ҳам узун
кўғирчоқ олиб келди. Аммо мен уни
олмадим, чунки у мен билан
саломлашмади. Нуқул ғалати
кулади. Бу кулгу менга оғир ботди.

*

БУГУН онамнинг боши
(қабри)га бордик. Мен узоқ
йиғладим, дадам ҳам унсиз... Шом
тушар маҳал дадам янги "ойи"
билан таништиришини айтди. О,
қанча қувонганимни фақатгина
ойдин, бир-бирига сирдош юл-
дузлардан сўранг.

*

УЧРАШДИК, яхшигина аёл экан,
лекин менга бошқача қаради.

Барибир бошқа хаёлларга
бормадим, чунки бу гапирадиган
"ойи" эди-да. Эсимда бор, шу тун
мириқиб ухладим.

*

МАНА, бирга яшаётганимизга
бир ой бўлди. Мен адашмаган
эканман, унинг "бошқача"
қарашида — бегонасирач бор
экан. Нуқул устимдан кулади,
хўрлайди, масхаралайди, агар
кўпроқ жаҳли чиқса, тутиб олиб
ўқлов билан уради. Лекин дадамга
айтмайман, чунки хўрлашининг икки
баробар ортишига ишонаман.

Кунлар оғир кечаяпти...

*

БУГУН туш кўрибман ҳадсиз-
худудсиз яйлов, яйловда мен,
атрофни қушлар чуғури тутганмиш.

хаётинг бўш эканлигини
англайсан.

Қалбим олови шу кўйи сўнди,
ўйладим: ҳали булар бир кун хуноба
ёшларга айланар.

*

УЙГА қамалиб олдим, юрагим
сиқилди, ҳеч кимни кўришни,
гаплашишни истамайман.
Атрофни ўраган нарсалар
маъносиз, ё тушуниб бўлмайдиган
бўлиб кўринади.

*

"БУНДАЙ яшайдан не фойда?"
— бир соатлик уйқудан сўнг шу
савол билан уйғондим. Ва худди шу
он ҳаётдан нафратлана бошладим.

*

— НИМА қилмоқ керак?
— Биргина йўл бор — ўлим
ҳамма нарсага бергай ҳал.
— Тайёргарлигингни кўравер...

*

РЕЖА: эртага мактабдан
келаман, ҳамма билан индамай
хайрлашаман, печкага кўпроқ
тошқумирни солиб, оғзини очиб
қўяман, бир-икки сонияда ҳамма
ерни аччиқ ҳид қоплайди, мен
ўриндиқда ўтирган бўламан, эшик
тақиллайди — очмайман. Бу ойим
бўлади, ҳойнаҳой, қарганиб,
қарганиб кетади. Анча вақт ўтар,
мен бу вақт ичида "уйқу" даги
қушларим билан ҳаёлан хайрлашиб
чиқаман. Бир вақт аччиқ тутун
мени бўға бошлайди, ўнг томонга
қараб эгила бошлайман... эгила-
эгила охири қулайман. Яна эшик
тақиллайди, бу сафар жаҳл билан,
барибир эшик очилмайди, сўнг
ойим дадамни (о, дада мени
кечиринг, сиздан розиман!)
чақиради. Дадам ҳам эшикни
тақиллатади, итариб-тортиб
кўради — бефойда. Охири эшикни
бузиб киришади, қарашса — мен
ўриндиғимда хушсиз ётган
бўламан, йиғлашади, куйишади,
эхтимол янги ойим қулар,
қувонар?... Кейин касалхонага
хушимга келтириш учун... О, йўқ, бу
ёғини ўйламанману, агар
касалхонада хушимга келиб
қолсам-чи? Йўқ, бу йўл тўғри
келмайди. Бошқа йўл излаш керак.

*

Ўз-ўзингни ёқиб...
Хаёлимда ўзимни ёқибнинг
вақти аниқ жонланди: тонготарда!
Ҳа, қушлар чуғури бошланмасдан
сал олдин, кеч эмас, эрта эмас, сал
олдин...

Кундалик шу жойда тўхтаган — Моҳигулни биздан олов ўз комига тортиб
кетган эди. Унинг охириги туни қандай ўтди — бу энди бизга қоронғулигича
қолди. Аммо унинг кундаликларидан нималарнидир топиш ва кимларнидир
айблаш мумкин. Сиз нима дейсиз, азиз муштарий!

Тайёрловчи Шакар СУННАТОВ.

ТЕНГДОШЛАРИНГИЗ ҲАЁТИДАН

Танишинг: Гриша Лесков. У Россиянинг бўлажак миллионери. Курилишда ишлаб топган пулини ўз капиталига асос қилди. Ёзда Гриша тенгдошлари билан жамоа тузиб, тиним билмай ишладилар. Маоши ёмон бўлмади. Ўзи яна бозорда ҳам савдо-сотик билан шугулланди. Резина сақич ёки сигарета эмас, помидорнинг энг ширин "де Барао", "Биче сердце" навларини сотди. Бу навлар жуда инжик, доимо парвариш талаб қилади. Шунга яраша ҳосили ҳам яхши бўлади. Гриша эса ота-онаси билан бирга ана шу нав помидор, яна малина, нок ҳам

Миллиондан асал иси келади

етиштиради.

Ўз миллионини у асалари ва компьютерлар ёрдамида ишлаб топишни режалаштириб қўйган. Бувасининг богида бир неча асалари уялари бор. Тиниб-тинчимас арилар тўғри келган гулнинг нектарини йигадилад. Гришанинг фикрича эса уларни фақат шифобахш ўсимликлар нектарини йигишга ўргатиш мумкин экан. Бундай асал ҳам шифобахш бўлиб, у касалларни даволашга ёрдам беради. У компьютерда ҳисоблаб чиқиб, бундай янги ҳисоблаб арилардан асал олишга бобосини ҳам кўндирди.

Компьютерлар — Гришанинг энг сеvimли машғулот. Уларни жиддий ўрганади. Катта ёшдаги программистлардан дўстлари ҳам бор. "Колимская" сугурта компанияси энг замонавий ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланганини эшитганда у ҳам тезда шу ерга етиб келди ва "Менинг ҳам сизларга фойдам тегиб қолар" деб сўради.

Гришанинг компютери олдида доим мольберт (расм чизадиган тахта) ҳам туради. Чунки у бадий санъат мактабида рассомлик санъати сирларини ҳам ўрганади. Бу мактабга бориб ёзилганини, у ердаги синовлардан аълога ўтганини ота-онаси билмайди ҳам. Инглиз тили курсига ҳам Гриша ўзи мустақил бориб ёзилиб келди. Ахир компьютерлар ҳақида чет эл матбуоти нималарни ёзаётганини ўқиб бориши керак-ку.

— Миллионер бўлганимда истеъдодли, талантли болаларга ёрдам бераман, — дейди Гриша. — Тушларида ҳам Шопенни кўрадиган, фақат рояль олдида ўтириши керак бўлган бола бировнинг машинаси ювиб пул топиши шартми? Яхшиси истеъдодини ривожлантирсин, ўқисин, ўргансин. Бой одамлар қўли очик бўлиши керак...

Гриша яқинда 15 ёшга тўлди. У ўзини ҳозирдан ҳам катта ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам, савлатли кўриниш учун костюм ва галстук тақиб юради.

Н. СЕМЧЕНКО,
Хабаровск шаҳри,
35-мактаб.

Биринчи бор ўқиган бадий китобингизни эслайсизми? У сизда қандай таассурот қолдирган?

Қайси бирингиз саволларга жавоб бера бошладингиз-у, қайси бирингиз биринчи ўқиган бадий китобингизни эслай бошладингиз. Унинг ёдда қолиши, сизда чуқур таассурот уйғотиши кўп жихатдан эи тарқатувчилари — кутубхоначиларга боғлиқ. Бугунги кунда эса мактаб кутубхоналари фақат дарсликлар тарқатувчи-ю, кутубхоначилар эса дарсликлар "қўриқчилари"га айланиб қолишган.

Тошкент шаҳридаги 24-мактаб кутубхонасида узок йиллардан буён ишлаб келаётган Шоира опа Насриддинова эса болаларни билим дунёсига, китоблар оламига олиб киришда, унинг тилсимотларига



Зиё тарқатувчининг мактовга лойиқ иши фақат шу билан чегараланмайди. Шоира опа ўзининг кичик кўмакчилари —

болаларда китобга меҳр уйғотишга ҳаракат қилмоқда.

Шоира опанинг назаридан дарсликлар ҳам четда қолмайди. Ўз ёрдамчилари билан опа уларни таъмирлайди, дарсликлар кунни ўтказиб, ўқувчиларнинг китобларни қандай тутишаётганидан хабар олиб туришади.

— Моддий қийинчиликлар даврида ёш авлоднинг маънавияти ҳам пасайишини ҳеч истамайман, — дейди Шоира опа. — Китоб доимо ота-она, ўқитувчи билан бир қаторда тарбиячи, маслаҳатчи бўла олган. Шунинг учун ҳам болаларнинг китоб билан ошно бўлишларига ҳаракат қиламан.

Суратда: I даражали кутубхоначи Шоира опа Насриддинова ўз кўмакчилари — 9-синф ўқувчилари Д. Низомова, Д. Икромов, З. Азизовлар даврасида.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.

Зиё тарқатувчи

кизиқтиришда. ўз кучини аямаяпти. Кутубхонани ҳеч кулфлоглик ёки бўшаб ётганини кўрмайсиз. Шоира опа ўзининг самимийлиги, болажонлиги, шу билан бирга библиография, китобшунослик борасидаги чуқур билими билан ўқувчиларни бу ерга чорлаб туради. У ҳар қайси китобхон учун алоҳида мавзу танлашда, янги китобларни саралашда кўмаклашади. Шу сабаб ҳам мактабдаги аксарият ўқувчилар — кутубхона аъзоларидир. Шоира опа 1000дан зиёд абонентларга хизмат қилади.

китобсеварлар кўмагида тез-тез шоир ва езувчилар билан учрашувлар ўтказадилар, китобхоналар конференцияси, мушоира ва баҳслар ўтказиб турадилар. Кутубхона "Ўзбекистонни ўрганамиз", "Эртақлар оламида", "Навоийга 500 йил", "Табиатни асранг" мавзусидаги кўргазмалар, ҳинд адабиётига оид бурчаклар билан безатилган. Опанинг тез-тез куйи синф ўқувчилари даврасида учратиш мумкин. Кўчма кутубхона ташкил этиб, синфхоналарга ташриф буюраётган кутубхоначи

Аброр бугун мактабдан бироз кечроқ қайтди. Дарвозадан ҳали кириб ҳам улгурмаган ўглини онаси захарханда сўзлар билан қарши олди: "Ҳа, отанга ўхшамай ўлгур, қаёқларда юрибсан? Сен қуриб кетгур одам бўлмайсан, чоғи". Жанжалга Аброрнинг отаси аралашган бўлади: "Мунча қийинверасан болани. Катта бўлиб, ақли кириб қолар".

Бошини ҳам қилганча ичкарига йўналган Аброр онасининг чўрткесарлик билан дадасини жеркиб

ташлаганини, "Ҳа, итдан бўлган қурвонликка ярамайди" деган сўзларини эшитиб кўзларида ёш қалқди. Бошини ёстиқ остига олиб, ўқиниб-ўқиниб йиғлади. Уйдаги бу муносабат нафақат Аброрни, балки унинг дадасини ҳам ўйлантирарди. Нимагадир онаси Аброрни бошқа фарзандларидан айри кўрарди. Уйдаги юмушларнинг деярли барчаси Аброрнинг зиммасига юклатилганди. Катта ўғил Рустамни эса арзанда қилар, хорижнинг кийимлари ҳам, овқатларнинг сараси ҳам Рустамжонга эди. Онасининг бундай хатти-ҳаракатлари эса Аброрни изтиробга соларди...

Бир кун мактабда ўртоқлари билан футбол ўйнаб, бироз ҳаяллаб уйга қайтган Аброрни онаси яна ҳар доимгидек қаҳр билан кутиб олди. "Қулоқларинг узилиб тушса бўлмайди" дея қулоқларидан шундай тортдики, оғриққа чидай олмаган Аброр чинқириб йиғлаб юборди.

Онасининг қўлидан базўр қутилиб, ўзини эшикка урди. Лекин акаси Рустамга тўқнаш келдию калтакнинг остида қолди. Бор кучини йиғиб, кўчага отилди:

— Энди уйлариңга қайтиб келмайман! — қичқирди алам билан.

Шу-шу Аброр уйга қайтмади. Кун бўйи кўча санқиб, кўп қаватли уйнинг ертўласида тонг оттирди. Кейин эса бу-

висиникида яшай бошлади. Шундай кунларнинг бирида Аброрни ярим кечада ўртоғи Мамат чақириб қолди.

Аброрнинг кўзи овлоқ ерда уни пойлаб турган бир гуруҳ болаларга тушди. Маълум бўлишича, бу ўсмирлар ўғирлик билан шугулланишар, Аброрни ҳам ўз сафларига қўшиб ниятида эканлар. Рад жавобини олишгач, беасёв дўппослашди. Аброрнинг оғзи-бурни қонга беланди, калтак зарбидан юзлари ёрилиб кетди. Шунда қўрққанидан ноилоҳ рози бўлди...

Орадан бир неча кун ўтиб, Аброрнинг уйларига милициядан чақирув қоғози келди. Унда...

Ҳамза тумани халқ судининг биноси, Суд залидаги қора курсида ўз тақдирининг қандай ҳал бўлишини кутиб, кўзлари мўлтиллаб бир ўспирин ўтирибди. Бу ўша — ўз онасидан бешиб, уйдан кетиб қолган Аброр. Ҳукм ўқилди. Аброрнинг тақдири тайин бўлди. Суд ҳайъати уни 4 йилга озодликдан маҳрум қилди...

Раим МАМАСОЛИЕВ,
Тошкент шаҳри.



Нега дарсга кеч қолдинг?

Р. Албеков туширган сурат-лавҳа.

Асал амаки-70 ёшда



Обид РАСУЛ

Кекса болалар шоири Обид Расул қаламига мансуб "Қувноқ болалар", "Олмазор", "Кўк чакмонли йиғитча", "Асал амаки", "Чашма" каби бир қанча шеърӣ тўпламлар болаларнинг севимли китобларига айланган. Болалар Обид Расулни "Асал амаки" деб аташади, унинг шеърларини севиб ўқишади.

Бунинг сабаби шоир шеърларида сўзларнинг ўта ўйноқчилиги ва фусункорлигида. Чунки, шеър ўқийётганингда сўзларнинг майин тебранишини сезмасанг — бу шеърятдан узоқ нарса.

Бугун 70 ёшини нишонлаётган адиб — жумҳуриятда хизмат кўрсатган Халқ таълими ходими, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, болалар шоири Обид Расулни биз ҳам кўп сонли муштарийларимиз номидан табриклаймиз ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

ТАХРИРИЯТ.

Ҳақиқатни излаб яшайман

Мен — тўғрисўз Ватан эркаси
Ҳақиқатни излаб яшайман.
Кўрмасин ғам инсон эртаси
Шу орзуни ёймоққа шайман.
Олам бўйлаб таралсин созим,
Созимда бахт, янграр овозим.
Мен — оловқалб қуёш парчаси

Хонадонга ёруғ нур — зиё.
Тенг ҳуқуқли эллар барчасин,
Елкасида кўтарган дунё.
Мен — дунёман тинчликда созим,
Тинчлик деса янграр овозим.
Мен келажак юлдузда кўзим,
Сирли олам қаршимда лолдир.
Ростгўйликка ошна ҳар сўзим,
Қуёш юртим менга иқболдир.
Мен ҳур авлод, ўчмагай созим,
Қитъа оша янграр овозим.


Қоплоннинг вадаси

Қувиб кетди қоплонни
Қассоб тоғам — ўғри — деб:
— Бир қадоқ гўшт палон пул,
Бу ишинг нотўғри — деб.
— Кечиргайсиз, — дер "Қашқа",
Энди ҳеч гўшт емайман.
"Қушхон" нгизга бориб,
Хўжам "олғир" демайман.

Қашқа"нинг кўз ёши

Умр бўйи занжирга
Богланганман — бағрим хун.
Бир тишлам нон дардида,
Касбим — ак-ак, уз-зукун.
Зиқна эгам оғриниб,
Ювинди "таом" келтирар.
Шу сабабдан — дер Қашқа
Кўзимда ёш милтирар.

Яқинда Тошкентдаги Й.Охунбобоев номли жумҳурият ёш томошабинлар театрида адиб Ш. Пардаевнинг "Карра-карра" деб номланган икки пардали замонавий эртаги кўйилди. Эртақ ҳаётдаги эзгулик билан ёвузлик, ахшилик билан ёмонлик, билгирлик билан дангасалик ўртасидаги кураш асосида қурилган. Бу асар сюжетини. Сюжетда эса албатта зиддият бўлади, зиддият — асар юрагидан оқиб ўтувчи, бундай айтганда, унга тириклик бахш этувчи жондир. Ушбу замонавий эртақда билгирлик ва дангасалик ўртасидаги тортишув айнан ўша зиддиятдир. Карра-каррани ёдламаган уч дангаса — Олим, Карим, Лола, эзгулик ва ахшилик тимсоли Али бобо (бу ролни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаев ижро этган), ёвузлик



"Карра-карра" сахнада

ва ёмонлик тимсоли эса Дев, Ялмоғиз (Ҳабибулло Абдуллаев, Нодира Аҳмедова) жонли образларда гавдалантирилган. Бу образлар ўзаро тўқнашувларда ўткир, ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар, зиддиятлар, ондаги кучли ва кучсиз тўқнашувлар, манфаатлар, гоюлару орзу-армонлар жангда бир-бир очилади. Хуллас, асар бир зумлик вақт ичида томошабинларнинг мурғак қалбига эзгуликдан бир сабоқ бериб, уларни қулдиради, афсуслантиради, онги ва қалбини ларзага солади, фикрини кўзгайди.

келгусидаги ўқишга, ҳаётга муносабатини ўзгартиради, чуқур билим олишга ундайди, эзгу тилаклар сари етаклайди. — Кино, телевидение санъати барқ уриб ривожланиши тастрининг аҳамияти ва обрўсини тушириб юборди, театр даври ўтди, деганлар янглишади, — дейди ушбу театрининг бош ражиссёри Рустам Обидов. — Юқоридаги санъатлар қанчалик катта имкониятларга эга бўлмасин, барибир театрининг ўрнини босолмайди. Чунки бирор бир кўшиқни ёки шеърни ойнаи жаҳон, ҳаво тўқинлари орқали

тинглаганингиз билан кўшиқчининг рўпарасида туриб табиий эшитганингиз ўртасида қанчалик фарқ бор бўлса, бу санъатлар ораси ҳам худди шу қадар фарқлидир. Театр томошабини билан юзма-юз туриб гаплашади, эртанги кун хусусида дардлашади, маслаҳатлашади. Бир сўз билан айтганда, театр — ҳаётимиз нафаси, давримиз томиридаги қон, руҳий интилишларимизнинг аввалбош майдони.

Суратда: эртақдаги бош қахрамонлар — Олим (Абдусамат Журабаев) ва ялмоғиз (Нодира Аҳмедова).

Р. Альбеков тасвири.



Азиз ва меҳрибон қизим Гулнозаҳон! Сени 13 ёшга тўлишининг билан чин қалбдан табриклаймиз. Сенга сикхат-саломатлик, порлоқ келажак, ўқишларингда улкан зафарлар тилаймиз.

Чексиз ҳурмат ва табрик ила:
даданг, ойинг, аканг.
Зомин тумани, Х.
Назарбеков кўчаси, 21.
Наримоновлар оиласи.



Азиз фарзандимиз РУСТАМЖОН! 10 баҳорни қаршилаган кунингда қувончларингга шерик бўлиб, эзгу — ниятлар тилаб қоламиз.

Бахтимизга ҳамиша соғу-саломат юргин.
Сени қутлаб: Отанг, онанг, аканг.

Фориш тумани, Гараша қишлоғи.
Каримовлар оиласи.



Суюкли фарзандимиз ДИЛМУРАДБЕК!

Бугунги қувончли кунингда сикхат-саломатлик, ўқишларингда зафарлар тилаймиз. Иншоолоҳ, келгусида шундай мазмунли ҳаёт кўргинки, бизга кўриш, қувнаб юриш насиб қилсин, деб аканг, онанг, опиканг Дилмура ва онанг Дилмуродбеклар.

Худайбергеновлар оиласи.
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри.



Ўғлимиз Илгоржон! Толеинг ҳамиша нурларга тўлсин, Қуёшинг доимо порласин, Ўғлим. Бахт, шодлик, истиқбол ҳамроҳинг бўлсин, Элга манзур бўлгин, порлоқ юлдузим! Дадангиз, бўвингиз, аянгиз, укаларингиз Элгоржон, Гулиёрахон. Фаргона шаҳри. Аҳмаджоновлар оиласи.

Табриклаймиз!

Азиз қизимиз ДИЛРАБО!
Сени бир мучал ёшга тўлишинг билан қизгин қутлаймиз! Келгуси ҳаётингда ва ўқишларингда улкан зафарлар тилаб:

даданг Саидкарим, онанг Дилафрўз, аканг Саидамин, укаларинг Ҳамза, Саидазим, Сарвиноз АБДУЛЛАЕВлар.



Азиз фарзандимиз БАҲОДИРЖОН! 4 ёшга тўлишинг муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Ҳаётинг доимо қувонч ва шодликлар ила тўлиб-тошсин!

Отанг Шарофиддин, онанг Нурхон, онанг Наргиза, аканг Бахтиёр, амакиларинг Эркинжон, Аҳмаджон. Чортоқ шаҳри.




Синглимиз ЛАЙЛО! Туғилган кунинг билан табриклаймиз. Сенга узоқ-умр, сикхат-саломатлик тилаб қолувчи опаларинг: Барно, Шахло, Зебо, Шайдо ва Сайёра.

Хоразм вилояти, Шовот тумани, Москва жамоа хўжалиғи.



Ўғлимиз Илгоржон! Толеинг ҳамиша нурларга тўлсин, Қуёшинг доимо порласин, Ўғлим. Бахт, шодлик, истиқбол ҳамроҳинг бўлсин, Элга манзур бўлгин, порлоқ юлдузим! Дадангиз, бўвингиз, аянгиз, укаларингиз Элгоржон, Гулиёрахон. Фаргона шаҳри. Аҳмаджоновлар оиласи.



Масъул котиб: Музаффар ПИРМАТОВ.

Тахрир ҳайъати:

Т. КАРИМОВ, А. КҮЧИМОВ,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Д. ТУРАХМЕТОВА, В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚўМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг сешанба кўни чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси.
Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.
Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.